**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 2016 йилнинг I чорагида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 январдаги мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар, 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари вазирлик ва тизимдаги барча ташкилот, муассаса ва корхоналар фаолиятида дастуриламал сифатида қабул қилиниб, кўрилган ташкилий чоралар ва амалга оширилган ишлар натижасида ҳисобот даврида амалдаги амалдаги баҳоларда 3 трлн 627,2 млрд сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёслама баҳоларда 6,7 фоизга ўсишига эришилди.

Вазирлик тизимида қиёслама баҳоларда 31761,3 млн сўмлик саноат маҳсулотлари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 111,4 %) ва 7 млрд 801 млн сўмлик (104%) халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди;

Чораклик лимит доирасида жами 94,4 млрд сўм (102%) ҳажмдаги капитал қўйилмалари ўзлаштирилиб, шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 92,1 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди;

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури бўйича 2016 йилда жами 422 млрд сўм, биринчи чоракда 91,4 млрд сўм бюджет маблағлари ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу маблағлар тўлиқ ўзлаштирилди;

2015–2019 йилларда янги турдаги маҳсулотлар, бутловчи қисм ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурига киритилган 16 та лойиҳа бўйича умумий қиймати 5 млрд 355,5 млн сўмлик (2015 йилнинг шу даврида 13 та лойиҳа бўйича 4788,1 млн сўм) маҳсулот ишлаб чиқарилди;

Вазирлик тизимида инвестиция, локализация, касаначилик ва соҳанинг турли тармоқларини ривожлантириш дастурлари доирасида ҳисобот даврида жами 6102 та янги иш ўринлари яратилди.

Қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ этиш ва ривожлантириш дастурига мувофиқ, жорий йилда пахта майдонлари 30,5 минг гектарга қисқартирилди. Пахтадан бўшаган ерлар ҳисобга олинган ҳолда, асосий экин майдонларига, 172,6 минг гектарга сабзавот, 86,3 минг гектарга картошка ва 26,3 минг гектарга полиз экинлари экилди. 5,2 минг гектар майдонда янги интенсив боғлар барпо этилди, 5,7 минг гектар майдондаги боғ ва 3,2 минг гектар токзор реконструкция қилинди, 163 гектар майдонда 4264 иссиқхона ташкил этилди.

Умуман олганда, вазирлик тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар соҳа иқтисодиётини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш, маҳсулот етиштириш ҳажмларини ошириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Ахборот хизмати**

## Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилган ишлар якуни ҳақида

# МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган 2016 йил 15 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир" номли маърузасида қайд этилган хулоса ва кўрсатмалар ҳамда вазифалар, белгилаб берилган устувор йўналишлар вазирлик ва тизимдаги барча ташкилот, корхона ҳамда муассасаларда дастуриламал сифатида қабул қилиниб, жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳанинг барча тармоқларини модернизация қилиш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш, иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ҳисобот даврида қуйидаги натижаларга эришилди.

2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида:

амалдаги баҳоларда 19 трлн. 826 млрд сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёслама баҳоларда 106,8 фоиз ўсишга эришилди;

вазирлик тизимида таққослама баҳоларда 110 млрд. 171,3 млн. сўмлик *(2015 йилда 105,5 млрд сўм, ўсиш 104,4%)* саноат маҳсулотлари ва 15,0 млрд. сўмлик (ўсиш 113,1%) халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди.

"Мамлакатнинг 2016 йил товарлар ва хизматлар экспорти дастури" доирасида вазирлик тизими бўйича жами 2 млн. 845,7 минг долларлик (прогнозга нисбатан 242,7 %) товарлар экспорт қилинди.

ҳисобот даврида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 408,2 млрд. сўм *(2015 йилнинг шу даврида 348,6 млрд сўм, ўсиш 117,1%)* ҳажмида капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, *шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 252,5* млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорига асосан республика Ҳукумати кафолати остида Манзилли дастурлар доирасида вазирлик томонидан 13 та лойиҳа бўйича ҳисобот даврида амалда 42,7 млн доллар ёки прогнознозга нисбатан 100,2 % маблағлар ўзлаштирилди.

"Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури" бўйича 2016 йилда жами 422,0 млрд сўмлик *(2015 йилда 350,4 млрд сўм)* бюджет маблағлари ўзлаштирилиши мўлжалланиб, ҳисобот даврида 218,6 млрд сўм (йиллик прогнозга нисбатан 52%) маблағ ўзлаштирилди. Йил давомида ушбу маблағлар ҳисобига 319 минг гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 февралдаги "2014–2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни

маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги ва 2015 йил 11 февралдаги “2015–2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарорлари асосида тизим корхоналари томонидан 16 та лойиҳа бўйича 10 млрд. 637,6 млн. сўмлик (прогнозга нисбатан 100,3%) маҳсулот ишлаб чиқарилди *(2015 йилнинг шу даврида 13* та лойиҳада, 10,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган*)*;

IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тизимдаги корхона ва ташкилотлар томонидан мамлакатимиз саноат корхоналаридан маҳсулот харид қилиш бўйича умумий қиймати 96 485,7 млн. сўмлик (ҚҚСсиз), экспортга маҳсулот чиқариш бўйича 8280,0 минг АҚШ доллари миқдорида шартномалар тузилди;

ҳисобот даврида тузилган шартномаларга асосан 51 млрд. 103,7 млн.сўмлик (*2015 йилда* 35,6 млрд сўмлик) маҳсулотлар харид қилинди.

вазирлик тизимида инвестиция, маҳаллийлаштириш, касаначилик ва соҳанинг турли тармоқларини ривожлантириш мақсадли дастурлари доирасида жами 14264 та (прогнозга нисбатан 105,8 %) янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 25 апрелдаги “Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ер участкаларидани самарали фойдаланиш, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, фермерларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш мақсадида уларнинг ер участка ҳажмларини мақбуллаштириш юзасидан қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги № 01-03-12-16– сонли баёнининг ижросини таъминлаш юзасидан, жорий йилда фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларидан самарали фойдаланилиши, уларнинг молиявий иқтисодий ҳолатининг барқарорлиги, контрактация шартномаларини бажарилиши, қишлоқ жойлардаги аҳоли учун янги иш ўринларини яратилиши каби кўрсаткичларни чуқур таҳлил этган ҳолда фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари мақбуллаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Мақбуллаштириш якунлари бўйича жорий йилнинг 1 июль ҳолатига республика бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликларининг сони **жами 160 минг 372 тани** ташкил этиб, уларга жами **3 млн. 576,4 минг гектар** экин ер майдони бириктирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда фермер хўжаликларини моддий манфаатдорлиги таъминлаш ва рағбатлантириш ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлар асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, вазирлик тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш орқали соҳа иқтисодиётини ривожлантиришнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш бўйича барча ташкилий чоралар кўрилмоқда.

Ахборот хизмати

**Вазирлик тизимида 2016 йилнинг 9 ойида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилган ишлар якуни ҳақида маълумот**

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳанинг барча тармоқларини модернизация қилиш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириш ҳамда иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ҳисобот даврида қуйидаги натижаларга эришилди.

Жумладан, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришда ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослама баҳоларда 6,4 фоизни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вазирлик тизимидаги корхоналарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ўсиши 113 фоизни ташкил этди. Шунингдек, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари 104,5 фоизга бажарилди.

Мамлакатнинг 2016 йил товарлар ва хизматлар экспорти дастури доирасида вазирлик тизими бўйича ҳисобот даврида прогнозга нисбатан 161,6% маҳсулотлар экспорт қилинди.

Лимит доирасида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 691,5 млрд сўм (2015 йилнинг шу даврида 565,52 млрд сўм) ҳажмда капитал қўйилмалари ўзлаштирилиб, шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 360 млрд 551,9 млн сўмлик ёки режага нисбатан 102 фоиз қурилиш-монтаж ишлари бажарилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарорига асосан республика Ҳукумати кафолати остида Манзилли дастурлар доирасида вазирлик томонидан 13 та лойиҳа бўйича ҳисобот даврида амалда 82,4 млн доллар ёки прогнознозга нисбатан 115,7 % маблағлар ўзлаштирилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури бўйича 2016 йилда жами 422,0 млрд сўмлик (2015 йилда 350,4 млрд сўм) бюджет маблағлари ўзлаштирилиши режалаштирилиб, ҳисобот даврида 314,9 млрд сўм (йиллик прогнозга нисбатан 75%) маблағ ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги “2015–2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарори асосида тизим корхоналари томонидан 16 млрд 494 млн сўмлик (прогнозга нисбатан 100,2%) маҳсулот ишлаб чиқарилди (2015 йилнинг шу даврида 13 та лойиҳада, 10,3 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган).

Оптималлаштириш натижаларига кўра, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг сони 1 октябрь ҳолатига жами 160 минг 372 тани ташкил этиб, уларнинг ўртача ер майдони 22,3, шу жумладан пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлариники 55,2 гектарни гектарни ташкил этмоқда.

Умуман олганда, вазирлик тизимида 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш орқали соҳа иқтисодиётини ривожлантиришнинг юқори суръатларини ошириш бўйича барча ташкилий чоралар кўрилмоқда.

**Ахборот хизмати**

## Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида 2016 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот

2016 йилда республикамиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳанинг барча тармоқларини модернизация қилиш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш, иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида қуйидаги натижаларга эришилди.

Жумладан, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёслама баҳоларда 6,6 фоиз ўсишига эришилди. Республика бўйича далалардан 21,1 млн тонна (ўтган йилга нисбатан 11,1% кўп) шундан, 11,3 млн тонна (11,3%) сабзавот, 2,1 млн тонна (10,4%) полиз, 3,0 млн тонна (9,7%) картошка, 3,0 млн тонна (10,8%) мева ва 1,7 млн тонна (9,9%) узум маҳсулотлари етиштирилди. Барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 2 млн 171 минг тонна (ўтган йилга нисбатан 6,8% кўп) гўшт, 9 млн 703 минг тонна (7,5%) сут, 6,1 млрд дона (10,6%) тухум ишлаб чиқарилишига эришилди. Республикамиз пиллакорлари томонидан 451,7 минг қутидан кўпроқ ипак қурти парваришланиб, 26,3 минг тоннадан зиёд пилла хомашёси етиштирилди.

Вазирлик тизимидаги корхоналарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ўсиши ўтган йилга нисбатан 10,4 фоизни ташкил этди. Шунингдек, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари 127,5 фоизга бажарилди.

Мамлакатнинг 2016 йил товарлар ва хизматлар экспорти дастури доирасида вазирлик тизими бўйича прогнозга нисбатан 185,1% маҳсулотлар экспорт қилинди.

Лимит доирасида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 522,5 млрд сўм (2015 йилда 536,2 млрд сўм) ҳажмдаги капитал қўйилмалари ўзлаштирилиб, шундан 454 млрд 875,8 млн сўмлик ёки режага нисбатан 104,8 фоиз қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорига асосан республикамиз ҳукумати кафолати остида Манзилли дастурлар доирасида вазирлик томонидан 13 та лойиҳа бўйича 150,0 млн доллар (прогнознозга нисбатан 116,7%) маблағлар ўзлаштирилди.

"Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури" бўйича 2016 йилда жами 427,5 млрд сўмлик маблағ (йиллик прогнозга нисбатан 100%) ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 февралдаги "2014–2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида"ги ва 2015 йил 11 февралдаги "2015–2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва

материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида"ги қарорлари асосида тизим корхоналари томонидан 17 та лойиҳа бўйича 24 млрд 437,4 млн сўмлик (прогнозга нисбатан 104,3%) маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Вазирлик тизимида инвестиция, маҳаллийлаштириш, касаначилик ва соҳанинг турли тармоқларини ривожлантириш мақсадли дастурлари доирасида жами 15 минг 721 та (прогнозга нисбатан 105,3 %) янги иш ўринлари яратилди.

Умуман олганда, вазирлик тизимида 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш орқали соҳа иқтисодиётини ривожлантиришнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш бўйича барча ташкилий чоралар кўрилди.

**Ахборот хизмати**

## Мева-сабзавотчилик соҳаларини ривожлантириш борасида 2016 йилнинг биринчи ярми давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, истеъмолчилар талабини мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлар ҳисобига тўла қондириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳисобот даврида барча тоифадаги хўжаликларнинг асосий, оралиқ ва такрорий майдонларига жами 2 минг 875 тонна сабзавот уруғи, 613,5 тонна полиз экинлари уруғи ва 446,1 минг тонна уруғлик картошка ҳамда 12 млн 640 минг туп мевали, 10 млн 287 минг туп ток кўчатлари фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларига етказиб берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги маҳсулот етиштирувчи субъектлар билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида 4,0 млн тонна маҳсулотга, шу жумладан қайта ишлаш корхоналари билан 1 млн 225 минг, экспортёр ташкилотлар билан 1 млн 133 минг тонна, бюджет ташкилотлари билан 671 минг тонна, Тошкент шаҳри ярмаркалари ва бозорлари билан 927 минг тонна маҳсулотга шартномалар тузилган.

Республикамиз бўйича барча тоифа хўжаликларининг асосий майдонларига баҳор ойларида 219,8 минг гектар сабзавот, 91,2 минг гектар картошка ва 55,2 минг гектар полиз экинлари экилган.

Бундан ташқари, фермер хўжаликларининг дала четлари ва уватларига жами 32,5 минг гектар, шу жумладан, 12,5 минг гектарга сабзавот, 13,8 минг гектарга полиз, 1,3 минг гектарга картошка ва 4,7 минг гектарга бошқа экинлар экилган.

Бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликларининг 266,8 минг гектар боғларидан 210,7 минг гектари, 143,9 минг гектар токзорларидан 119,7 минг гектари ҳосилли бўлиб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга қаратилган муҳим агротехника тадбирлари ўз муддатида ўтказилмоқда.

Мамлакатимиз бўйича жорий йилнинг баҳор ойларида 8,2 минг гектар пакана ва ярим пакана (интенсив) мевали боғлар ҳамда 5,2 минг гектар янги токзорлар барпо этилган.

Бундан ташқари, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг 6 минг гектар мевали боғлари ва 3,5 минг гектар токзорлари реконструкция қилинган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жами 5 млн 430,8 минг тонна, шундан, 2 млн 863 минг тонна сабзавот, 176 минг тонна полиз, 1 млн 457,5 минг тонна картошка, 906,7 минг тонна мева ва 26 минг тонна узум етиштирилган.

Прогноз кўрсаткичларида белгиланган ҳажмлардаги маҳсулотларни етиштириш ишлари давом эттирилмоқда.

**Ахборот хизмати**

## Мева-сабзавотчилик соҳаларини ривожлантириш борасида 2016 йилнинг биринчи ярми давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, истеъмолчилар талабини мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлар ҳисобига тўла қондириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳисобот даврида барча тоифадаги хўжаликларнинг асосий, оралиқ ва такрорий майдонларига жами 2 минг 875 тонна сабзавот уруғи, 613,5 тонна полиз экинлари уруғи ва 446,1 минг тонна уруғлик картошка ҳамда 12 млн 640 минг туп мевали, 10 млн 287 минг туп ток кўчатлари фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларига етказиб берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги маҳсулот етиштирувчи субъектлар билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида 4,0 млн тонна маҳсулотга, шу жумладан қайта ишлаш корхоналари билан 1 млн 225 минг, экспортёр ташкилотлар билан 1 млн 133 минг тонна, бюджет ташкилотлари билан 671 минг тонна, Тошкент шаҳри ярмаркалари ва бозорлари билан 927 минг тонна маҳсулотга шартномалар тузилган.

Республикамиз бўйича барча тоифа хўжаликларининг асосий майдонларига баҳор ойларида 219,8 минг гектар сабзавот, 91,2 минг гектар картошка ва 55,2 минг гектар полиз экинлари экилган.

Бундан ташқари, фермер хўжаликларининг дала четлари ва уватларига жами 32,5 минг гектар, шу жумладан, 12,5 минг гектарга сабзавот, 13,8 минг гектарга полиз, 1,3 минг гектарга картошка ва 4,7 минг гектарга бошқа экинлар экилган.

Бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликларининг 266,8 минг гектар боғларидан 210,7 минг гектари, 143,9 минг гектар токзорларидан 119,7 минг гектари ҳосилли бўлиб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга қаратилган муҳим агротехника тадбирлари ўз муддатида ўтказилмоқда.

Мамлакатимиз бўйича жорий йилнинг баҳор ойларида 8,2 минг гектар пакана ва ярим пакана (интенсив) мевали боғлар ҳамда 5,2 минг гектар янги токзорлар барпо этилган.

Бундан ташқари, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг 6 минг гектар мевали боғлари ва 3,5 минг гектар токзорлари реконструкция қилинган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жами 5 млн 430,8 минг тонна, шундан, 2 млн 863 минг тонна сабзавот, 176 минг тонна полиз, 1 млн 457,5 минг тонна картошка, 906,7 минг тонна мева ва 26 минг тонна узум етиштирилган.

Прогноз кўрсаткичларида белгиланган ҳажмлардаги маҳсулотларни етиштириш ишлари давом эттирилмоқда.

**Ахборот хизмати**

**Мева-сабзавотчилик соҳаларини ривожлантириш борасида 2016 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот**

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, истеъмолчилар талабини мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлар ҳисобига тўла қондириш борасида республикамиз минтақаларининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, мева-сабзавот, узум ва картошка ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш, экспорт қилиш, ички бозорни тўлдириш бўйича ишлаб чиқилган қатор лойиҳаларга мувофиқ кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан давлат буюртмаси учун 2016 йил ҳосилидан, 4 млн 77 минг тонна ҳўл мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотлари, шундан, 2 млн 545 минг тоннаси фермер хўжаликлари томонидан ва қолган қисми деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилиши белгиланган. Ушбу маҳсулотларнинг 2 млн 217,3 минг тоннаси қайта ишлашга йўналтирилади, 1 млн 477,6 минг тоннаси экспортга чиқарилади ва 360 минг тоннаси қиш-баҳорда аҳолини арзон маҳсулотлари билан таъминлаш учун захирага қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ республикамиз бўйича 5 йил давомида 170,5 минг гектар пахта ва 50 минг гектар бошоқли дон, жами 220,5 минг гектар майдонни оптималлаштирилиб, уларнинг ўрнига 36 минг гектар картошка, 91 минг гектар сабзавот, 50,3 минг гектар озуқа экинлари, 14 минг гектар мойли экинлар ҳамда 18 минг гектар интенсив боғлар ва 11,2 минг гектар токзорлар барпо этиш белгиланган.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ жорий йилда пахта майдонлари 30,5 минг гектарга қисқартирилиб, ушбу ерларга ички ҳамда ташқи бозорда талаб юқори бўлган мева-сабзавотлар экилди. Бундан ташқари, 8,2 минг гектар майдонда янги интенсив боғ, 5,2 минг гектарда токзорлар ташкил этилди. 6 минг гектар майдондаги боғ ва 3,5 минг гектардаги токзор қайта тикланди. 532 гектар майдонда 9,9 мингта замонавий иссиқхона барпо этилди.

Мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамасдан шу йилнинг ўтган даврида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Жумладан, 2,3 миллион тонна картошка, 8,2 миллион тонна сабзавот, 1,5 миллион тонна полиз маҳсулотлари, 1,2 миллион тоннадан ортиқ узум, 2 миллион тонна мева ва резаворлар тайёрланди.

Жойлардан олинган тезкор маълумотларга кўра, ғалладан бўшаган майдонларга жорий йилда жами 666,6 минг гектар, шундан, 188,3 минг

гектар сабзавот, 30,8 минг гектар картошка, 60,3 минг гектар полиз, 21,1 минг гектар кунгабоқар, 29,2 минг гектар маккажўхори (дон учун), 40,2 минг гектар маккажўхори (силос учун), 833 гектар соя, 225,1 минг гектар дуккакли экинлар, 26,7 минг гектар шоли ва 44,0 минг гектар бошқа экинлар экилган.

Республика бўйича 2017 йил ҳосили учун август-сентябрь ойларида 34,2 минг гектар шундан, 23,1 минг гектар пиёз ва 11,1 минг гектар саримсоқпиёз экиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, тўқсонбости усулида 59,0 минг гектар шундан, 25,0 минг гектар пиёз, 10,8 минг гектар сабзи, 10,1 минг гектар кўкатлар, 5,3 минг гектар ош лавлаги ва 7,9 минг гектар бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини экиш белгилаб олиниб, чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Шунингдек, республика ҳудудларида иқтисодий самара бермаётган 5,9 минг гектар яроқсиз боғлар ва 3,5 минг гектар яроқсиз токзорлар реконструкция қилинди ва уларнинг ўрнига юқори ҳосил берадиган экспортбоп мевали ва ток кўчатлари ўтказилди.

Республикада барча тоифадаги хўжаликлар бўйича жами 267 минг гектар мевали боғлар ва 144 минг гектар токзорлар мавжуд бўлиб, ушбу боғ ва токзорларда ёзги ва кузги муҳим агротехник тадбирлари ўз вақтида ўтказилмоқда.

Шунингдек, боғ ва ток қатор ораларидан унумли ва самарали фойдаланиш мақсадида 219 минг гектар боғ қатор ораларига ва 114 минг гектар ток қатор ораларига сабзавот, полиз ва картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилиб, етиштирилган маҳсулотлар йиғиштириб олинмоқда.

Жойлардан олинган тезкор маълумотларга кўра, 1 октябрь ҳолатига жами 16,8 млн тонна, шундан, 2,5 млн тонна мева, 1,0 млн тонна узум, 9,3 млн тонна сабзавот, 1,7 млн тонна полиз ва 2,4 млн тонна картошка етиштирилган.

Республикада озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини янада ошириш, уларнинг турларини кенгайтириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, пировардида қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадида ушбу қисқартирилаётган майдонларга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ҳамда уларни экилиши бўйича мониторинг ўрнатилган.

**Ахборот хизмати**

**Мева-сабзавот, узум, полиз ва картошка маҳсулотларини 2016 йилда ишлаб чиқариш тўғрисида**

# МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 январдаги "2016 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узум ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланишнинг истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида"ги 1-сонли қарорига асосан 10 млн 458 минг тонна сабзавот, 1 млн 980 минг тонна полиз, 2 млн 833 минг тонна картошка, 2 млн 874 минг тонна мева ва 1 млн 601 минг тонна узум маҳсулотлари етиштириш белгилаб олинган.

2016 йилда барча тоифа хўжаликларининг асосий, оралиқ ва такрорий майдонларига сабзавот, полиз ва картошка экинларини экиш учун жами 2875 тонна сабзавот уруғи, 613 тонна полиз уруғи ва 446 минг тонна ортиқ картошка уруғлари ҳамда 12 млн туп мевали ва 10 млн тупга яқин ток кўчатлари фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларига ўз муддатида экилган.

Маҳсулот етиштирувчи субъектлар билан тайёрловчи, қайта ишловчи ва экспортёр корхона ва ташкилотлар ўртасида мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотларига шартномалар тузилиб, тузилган шартномалар асосида маҳсулотлар етказиб берилган.

Республика бўйича барча тоифа хўжаликларининг асосий майдонларга 205 минг гектар сабзавот, 84 минг гектар картошка ва 61 минг гектар полиз ҳамда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий 188 минг гектар сабзавот, 31 минг гектар картошка ва 60 минг гектар полиз экинлари экилиб, уларнинг агротехник тадбирлар ўз муддатида сифатли ўтказилиб борилган ва етиштирилган маҳсулотлар йиғиштириб олинган.

Республиканинг деҳқон ва фермер хўжаликларда 267 минг гектар боғлардан 211 минг гектари ҳосилли ҳамда 144 минг гектар токзорлардан 119 минг гектари ҳосилли бўлиб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни кўпайтириш муҳим агротехник тадбирлари фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан сифатли ва ўз муддатида ўтказилмоқда.

Республика бўйича жорий йилнинг баҳор ойларида 8,4 минг гектар пакана ва ярим пакана (интенсив) мевали боғлар ҳамда 5,2 минг гектар янги токзорлар барпо этилди.

Республикадаги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг яроқсиз боғ ва токзорлар реконструкция қилиш ишлари бўйича 6 минг гектар мевали боғлар ва 3,5 минг гектар токзорлар реконструкция қилинган.

2016 йил якунида 21,1 млн тонна (ўтган йилга нисбатан 11,1 фоиз) шундан, 11,3 млн тонна (11,3 фоиз) сабзавот, 2,1 млн.тонна (10,4 фоиз) полиз, 3,0 млн тонна (9,7 фоиз) картошка, 3,0 млн тонна (10,8 фоиз) мева ва 1,7 млн тонна (9,9 фоиз) узум маҳсулотлари етиштирилган.

## Сув хўжалиги тизимида 2016 йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган тадбирлар ҳақида маълумот

Жорий йилнинг биринчи чорагида республика сув хўжалиги тизимидаги ташкилотлар томонидан сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш, давлат сув хўжалиги тизимининг замонавийлаштирилишини таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан:

***ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларида.***

Давлат дастури доирасида мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида 26142,4 млн.сўмлик ишларини бажариш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда жами 26023,5 млн.сўм маблағ ўзлаштирилди ва белгиланган режага нисбатан 100 фоизга бажарилди. Ушбу маблағ ҳисобига 151,4 км очиқ ва 35,5 км ёпиқ ётиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 3 дона вертикал дренаж қудуқлари, 1 дона гидротехник иншоат, 24 дона мелиоратив кузатув қудуқлари реконструкция қилинди ва қурилди.

Мелиоратив объектларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш бўйича 2016 йилнинг биринчи чорагида 29592,3 млн.сўмлик ишларини бажариш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда жами 33951,5 млн.сўм маблағ ўзлаштирилди ва белгиланган режага нисбатан 115 фоизга бажарилди.Ушбу маблағ ҳисобига 3285,9 км коллектор дренаж тармоқлари тозаланди.

Давлат дастури доирасида 140 дона мелиоратив техника ва ускуналар харид қилиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси билан шартномалар имзоланган, тайёрловчи ташкилотлар томонидан тайёрланмоқда ва йил якунига қадар лизинг олувчи ташкилотларга етказиб берилади.

***ирригация тадбирларида.*** 2016 йилнинг I-чорагида ирригация тармоқларида жами 1673,8 километр узунликдаги хўжаликлараро суғориш тармоқлари тозаланди. Шунингдек, 1884 донадан ортиқ гидротехник иншоот ҳамда 1727 донадан кўпроқ гидропостлар таъмирланди.

Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 33 минг 271 километр масофадаги хўжалик ички суғориш тармоқлари механизмлар ва қўл кучи ёрдамида тозаланди. Ушбу тармоқлардаги 5651 дона гидротехник иншоот хамда 7583 дона гидропост таъмирланди ва 9 минг 986 дона сув олиш қулоқлари жиҳозланди.

Республика бўйича 134 та лойиҳа доирасида 41,645 км узунликдаги канал, 6,4 км узунликда лоток тармоқлари, 7 дона гидротехник иншоот, 3,43 км узунликдаги босимли қувурлар, 1,85 км узунликда қирғоқ ҳимоя дамбалари ва 1,4 км узунликдаги назорат йўллари қурилди ва реконструкция қилинди.

***сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятида.*** Ҳисобот йилида республикада 1503 та Сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан умумий майдони 3,7 млн гектар бўлган сув истеъмолчиларига, шу жумладан фермер хўжаликларига 8,1 млрд сўмлик сув хўжалиги хизмати кўрсатилди;

***насос станцияларини таъмирлаш ва энергетика таъминотида.*** Ҳисобот 1-чорак давомида 1217 дона насос агрегати, 739 дона суғориш қудуғи, 731 дона ички хўжалик насос агрегатлари таъмирланди.

Вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотларига 2016 йил 1-чорак учун белгиланган лимит 1549,03 млн квт.соат бўлиб, амалда 1506,94 млн квт.соат электроэнергия сарфланиб, 42,09 млн квт.соат электроэнергия иқтисод қилинди.

**Ахборот хизмати**

## Сув хўжалиги тизимида 2016 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган тадбирлар ҳақида маълумот

Жорий йилнинг биринчи ярмида республика сув хўжалиги тизимидаги ташкилотлар томонидан сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш, давлат сув хўжалиги тизимининг замонавийлаштирилишини таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан:

**сув ресурсларидан фойдаланишда.**

Ҳисобот даврида олинган сув билан 7714 минг гектар майдонда суғориш ишлари олиб борилди. Шу жумладан 2826 минг гектар ғалла ва 1722 минг гектар ғўза майдонлари суғорилди.

Сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар, яъни ирригация тизимларидан сув олиш қоидаларининг бузилиши, сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сув хўжалиги объектларидан олинадиган сув миқдорининг ҳисобини юритиш қоидаларига амал қилмаслик бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан айбдорларга нисбатан қонун доирасида белгиланган чоралар кўрилди. Жумладан, мавсум давомида сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги қонун-қоидаларни бузган айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси асосида 1396 ҳолат юзасидан тузилган баённомалар асосида 293,9 млн сўм миқдорида жарима расмийлаштирилди.

**ирригация тадбирларида.**

вазирлик тизимидаги эксплутация ташкилотлари томонидан 2675,3 км узунликдаги хўжаликлараро суғориш тармоқлари тозаланди ва бунга 223 та экскаватор ва бошқа машина-механизмлар жалб қилинди. Шунингдек 2749 дона гидротехник иншоотлар ҳамда 2415 дона гидропостлар таъмирланди.

Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг 58094,3 км масофадаги хўжалик ички суғориш ариқлари механизмда ва кўл кучи ёрдамида тозаланди, 8224 дона гидротехник иншоотлар ҳамда 10310 дона гидропостлар таъмирланди ва 15374 дона сув олиш қулоқлари жиҳозланди.

**ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларида.**

Қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш мақсадида 2016 йилда Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган мелиоратив тадбирлар учун жами 422,0 млрд сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Ҳисобот даврида дастур доирасида умумий узунлиги 501,4 километрлик очиқ ва 137,2 км ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 80 дона вертикал дренаж қудуғи, 432 дона кузатув қудуғи, 12 дона гидротехник иншоот ва бошқа мелиоратив объектларда реконструкция қилиш

ва қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами 99,0 млрд сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилди.

Давлат дастури доирасида жорйи йилда 35 млрд сўмлик, жами 140 дона мелиоратив техника ва ускуналар харид қилиш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу мақсадлар учун **22,4 млрд сўм** маблағ "Ўзмелиомашлизинг" ДЛКга ўтказиб берилган.

**сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятида.**

Ҳисобот даврида республикамизда **1503 та** сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан умумий майдони 3,7 млн гектар бўлган сув истеъмолчиларига, жумладан, фермер хўжаликларига 26,1 млрд сўмлик сув хўжалиги хизматлари кўрсатилди.

**Насос станцияларини таъмирлаш ва энергетика таъминотида.**

тизимдаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари томонидан 1428 дона (режага нисбатан 101,7%) насос агрегатлари, 896 дона (102,5%) суғориш қудуқлари, 1049 дона (107,0%) ички хўжалик насос агрегатларини таъмирланди.

Вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотларига 2016 йилнинг I ярим йиллиги учун белгиланган лимит 3895,85 млн квт.соат бўлиб, амалда 3789,68 млн квт.соат электроэнергия сарфланиб, 106,16 млн квт.соат электроэнергия тежалди.

**Ахборот хизмати**

**Сув хўжалиги тизимида 2016 йилнинг 9 ойида амалга оширилган тадбирлар ҳақида маълумот**

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида республика сув хўжалиги тизимидаги ташкилотлар томонидан сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва сувдан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланишга оид қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан:

*ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларида.* Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури бўйича 2016 йилда жами 422,0 млрд сўмлик (2015 йилда 350,4 млрд сўм) бюджет маблағлари ўзлаштирилиши режалаштирилиб, ҳисобот даврида 315,8 млрд сўм (йиллик прогнозга нисбатан 75%) маблағ ўзлаштирилди.

Ушбу маблағлар ҳисобига 734,6 км очиқ ва 229,0 км ёпиқ ётик коллектор-дренаж тармоқлари, 160 дона вертикал дренаж қудуқлари, 50 дона гидротехник иншоот, 686 дона мелиоратив кузатув қудуқлари реконструкция қилинди ва қурилди.

Манзилли рўйхатга кўра, 2016 йилнинг 1 октябрь ҳолатига жами 13 367,9 км узунликда очиқ ва 769,64 км узунликда ёпик-ётик коллектор-дренаж тармоқлари, 3 дона мелиоратив насос станциялари, 541 дона вертикал дренаж қудуқлари, 108 дона гидротехник иншоотлар, 1727 дона қувурли ўтиш жойлари, 1022 дона назорат қудуқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди. Бу борадаги ишларни бажаришга жами 146 млрд 983,5 млн. сўм маблағ ўзлаштирилди.

Давлат дастури доирасида жами 35 млрд сўмлик 140 дона мелиоратив техника ва ускуналар харид қилиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда "Ўзмелиомашлизинг" ДЛК билан 22,4 млрд сўмлик шартномалар имзоланган, йил якунига қадар барча техника ва механизмлар лизинг олувчи ташкилотларга етказиб берилади;

*ирригация тадбирларида.* Вазирлик тизимидаги эксплутация ташкилотлари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида 3395 км узунликдаги хўжаликлараро суғориш тармоқлари тозаланди. Шунингдек, 3305 дона гидротехник иншоот ҳамда 3005 дона гидропост таъмирланди.

Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 71391 км масофадаги хўжалик ички суғориш ариқлари механизмлар ва қўл кучи ёрдамида тозаланди, 10409 дона гидротехник иншоотлар ҳамда 12914 дона гидропостлар таъмирланди ва 19308 дона сув олиш қулоқлари жиҳозланди.

*сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятида.* Ҳособот даврида республикамизда **1504 та** Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолият кўрсатиб, умумий майдони 3,7 млн гектар бўлган сув истеъмолчиларига, жумладан, фермер хўжаликларига сув хўжалиги хизмати кўрсатилди.

***Насос станцияларини таъмирлаш ва энергетика таъминотида.*** 2016 йил 9 ой давомида вазирлик тасарруфидаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари томонидан 1947 дона насос агрегатлари (прогнозга нисбатан 109,1%), 1168 дона суғориш қудуқлари (109,2%), 1341 дона (108,7%) ички хўжалик насос агрегатлари таъмирланди.

Ҳисобот даврида вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотларида белгиланган лимит доирасида 6528,5 млн кВт.соат электроэнергия сарфланиб, 177,6 млн кВт.соат электроэнергия тежалди.

**Ахборот хизмати**

## Республика сув хўжалиги тизимида 2016 йилда амалга оширилган тадбирлар ҳақида маълумот

Ҳисобот йилида республика сув хўжалиги тизимидаги ташкилотлар томонидан сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш, давлат сув хўжалиги тизимининг замонавийлаштирилишини таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан:

**суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларида:** Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган мелиоратив тадбирлар учун давлат бюджетидан жами 422,0 млрд сўм ажратилиб, мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларини бажаришга йўналтирилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши натижасида 851,7 км очиқ ва 317,1 км ёпиқ-ётиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 242 дона вертикал дренаж қудуқлари, 71 дона гидротехник иншоатлар, 1080 дона мелиоратив кузатув кудуқлари реконструкция қилинди ва қурилди.

Манзилли рўйхатга кўра, 2016 йилда жами 290 та устувор лойиҳаларда, шу жумладан 43 та йилдан йилга ўтувчи лойиҳаларда жами 16 минг 44,4 км узунликда очиқ ва 1021,3 км узунликда ёпиқ-ётиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 8 дона мелиоратив насос станциялари, 555 дона вертикал дренаж қудуқлари, 33 дона сув ўлчаш иншоотлари, 2175 дона қувурли ўтиш жойлари, 1178 дона назорат қудуқлари таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди. Шунингдек, 290 та мелиоратив объектлардан 239 тасида таъмирлаш-тиклаш ишлари тўлиқ якунланиб, Давлат қабул қилиш комиссиясига топширилди.

Давлат дастури доирасида 63 дона мелиоратив техника ва механизмлар, шу жумладан, 10 дона эксковатор, 19 дона автосамосвал, 5 дона автокран, 7 дона автотягач ва 22 дона бошқа техникалар лизинг асосида сув хўжалиги ташкилотларига етказиб берилди;

***ирригация тадбирларида:*** вазирлик тизимидаги эксплутация ташкилотлари томонидан 4909 км узунликдаги хўжаликлараро суғориш тармоқлари тозаланди. Шунингдек, 4850 дона гидротехник иншоотлар ҳамда 4441 дона гидропостлар таъмирланди.

Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг 118 минг 827 км масофадаги хўжалик ички суғориш ариқлари механизмлар ва қўл кучи ёрдамида тозаланди, 16 минг 119 дона гидротехник иншоотлари ҳамда 20 минг 72 дона гидропостлари таъмирланди ва 29 минг 335 дона сув олиш қулоқлари жиҳозланди.

Республика бўйича жами 153 та устувор лойиҳа, шу жумладан 69 та йилдан йилга ўтувчи лойиҳалар доирасида 357,5 км узунликдаги каналлар, 76,7 км узунликда лотоклар, 129 дона гидротехник иншоотлари, насос

станцияларининг 12,7 км узунликдаги босимли қувурлари, 8,3 $м^3$/сек қувватли насос станциялари, 9,6 км узунликдаги қирғоқ ҳимоя ишлари бажарилди. Амалга ошириладиган тадбирлар 319 минг гектар ер майдонларининг сув таъминоти яхшиланишига замин яратади;

***сув ресурсларидан фойдаланишда:*** республика бўйича қишлоқ хўжалиги мақсадларига ажратилган сув ресурслари билан 19 млн 515 минг гектар майдонда суғориш ишлари олиб борилди. Жумладан, 2826 минг гектар кузги ғалла ва 6281 минг гектар ғўза майдонлари суғорилди.

Ҳудудларда сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар, яъни ирригация тизимларидан сув олиш қоидаларини бузилиши, сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сув хўжалиги объектларидан олинадиган сув миқдорини ҳисобини юритиш қоидаларига амал қилмаслик каби ҳолатлар аниқланиб, сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги қонун-қоидаларни бузган айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига мувофиқ 3346 та ҳолат юзасидан тузилган баённомалар асосида 714,5 млн сўм миқдорида жарима ундирилди;

***сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятида:*** республикада фаолият кўрсатаётган 1503 та Сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан умумий майдони 3,7 млн гектар бўлган сув истеъмолчиларига, жумладан фермер хўжаликларига сув хўжалиги хизмати кўрсатилди;

***насос станцияларини таъмирлаш ва энергетика таъминотида.*** 2016 йилда вазирлик тасарруфидаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари томонидан 2700 дона насос агрегатлари (режага нисбатан 101,5%), 1351 дона суғориш қудуқлари (101,0%), 1759 дона (101,9%) ички хўжалик насос агрегатлари таъмирланди.

Ҳисобот даврида вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотларида белгиланган лимит доирасида 7900,7 млн кВт.соат электроэнергия сарфланиб, 1,2 млн кВт.соат тежалишига эришилди.

**Ахборот хизмати**

**Ўрмон хўжалиги соҳасида 2016 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот**

Ҳисобот даврида ўрмон хўжаликлари томонидан соҳада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан:

19,3 минг гектар, шу жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида 9,2 минг гектар майдонда чўл ўсимликларидан янги ўрмонзорлар барпо этилди ва табиий тикланишига кўмак бериш тадбирлари олиб борилди. 241 гектар майдонда ниҳолхона ва кўчатхоналар ташкил этилди;

республика бўйича кўчат экиш ойлиги мавсумида 4400 тупдан ортиқ лола дарахти ва 52900 тупдан ортиқ қирим қарағайи, 91 минг тупдан ортиқ чилонжийда ва бошқа кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар кўчат ва бўталари экилди;

ўрмонзорлар барпо қилиш ва қайта тиклаш билан бир қаторда уларни қўриқлаш, муҳофаза қилиш, касаллик ва зараркунандалардан асраш мақсадида 20,4 минг гектар майдонда ўрмон касалликлари ва зараркунандаларига қарши, шундан 12,3 минг гектар майдонда биологик кураш ишлари олиб борилди. Шунингдек, 131 км масофада ёнғинга қарши йўллар, 34 км янги ҳимоя линиялари, 304 км минераллаштирилган полосалар қурилди. Бундан ташқари, 1161 км ўрмон хўжалиги аҳамиятига эга ва ёнғинга қарши йўллар ва 1211 км минераллаштирилган полосалар таъмирланди.

2330 гектар майдонда 37 турдаги доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантациялари ташкил этилди. Фармацевтика корхоналари билан 2813,1 млн сўмлик доривор ўсимликлар хомашёсини етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди. Ҳисобот даврида 1 минг тоннадан зиёд доривор ва озуқабоп ўсимликлар хомашёси тайёрланди.

Ўрмон фонди ерларидан қўшимча фойдаланиш тармокларида 401,4 млн сўмлик *(ўтган йилга нисбатан 109,7 фоиз)* халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди ва аҳолига 43,63 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.

**Ахборот хизмати**

**Ўрмон хўжалиги соҳасида 2015 йилнинг I чораги давомида амалга оширилган ишлар ҳақида**

Ҳисобот даврида ўрмон хўжаликлари томонидан соҳада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан:

18,3 минг гектар, шу жумладан Орол денгизининг қуриган тубида 6,8 минг гектар майдонда чўл ўсимликларидан янги ўрмонзорлар барпо этилди ва табиий тикланишига кўмак бериш тадбирлари олиб борилди. 153 гектар майдонда ниҳолхона ва кўчатхоналар ташкил этилди;

Кўчат экиш ойлиги давомида республика бўйича 3800 тупдан ортиқ лола дарахти, 50000 тупдан ортиқ қирим қарағайи, 82000 тупдан ортиқ чилонжийда кўчатлари экилди. Ҳозирги вақтда манзарали ва мевали дарахт ҳамда бута кўчатларини экиш ишлари уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда;

Ўрмонзорлар барпо қилиш ва қайта тиклаш билан бир қаторда уларни қўриқлаш, муҳофаза қилиш, касаллик ва зараркунандалардан асраш мақсадида 751 гектар майдонда ўрмон касалликлари ва зараркунандаларига қарши, шундан 175 гектар майдонда биологик кураш ишлари олиб борилди. Шунингдек, 47 км масофада ёнғинга қарши йўллар, 2 км янги ҳимоя линиялари, 22 км минераллаштирилган полосалар қурилди. Бундан ташқари, 123 км ўрмон хўжалиги аҳамиятига эга ва ёнғинга қарши йўллар, 43 км минераллаштирилган полосалар таъмирланди;

1945 гектар майдонда доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантациялари ташкил этилди. Доривор ва озуқабоп ўсимликларни етказиб бериш бўйича фармацевтика корхоналари билан жами 265 та, шу жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги корхоналар билан 46 та, "Дори-дармон" АК билан 58 та ва "Фармсаноат корхоналари билан 161 та шартномалар тузилди.

Ўрмон фонди ерларидан қўшимча фойдаланиш тармоқларида 212,4 млн сўмлик *(ўтган йилга нисбатан 110,7 фоиз)* халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди ва аҳолига 21,8 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Касаначилик асосида 8 та қўшимча янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

**Ахборот хизмати**

# Ўрмон хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида 2016 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва унинг тизимидаги ўрмон хўжаликлари томонидан соҳада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳисобот даврида 20,02 минг гектар *(прогнозга нисбатан 6,0 фоиз кўп)* шу жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида 9,2 минг гектар майдонда чўл ўсимликларидан янги ўрмонзорлар барпо этилди ва табиий тикланишига кўмак бериш тадбирлари олиб борилди.

Баҳорги кўчат экиш мавсумида республикамиз бўйича 4400 тупдан ортиқ лола дарахти ва 52900 тупдан кўпроқ қирим қарағайи 91000 тупдан зиёд чилонжийда кўчатлари экилди.

Ўрмонзорлар барпо қилиш ва қайта тиклаш билан бир қаторда уларни қўриқлаш, муҳофаза қилиш, касаллик ва зараркунандалардан асраш мақсадида 24,9 минг гектар майдонда ўрмон касалликлари ва зараркунандаларига қарши, шундан 13,4 минг гектар майдонда биологик кураш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида 163,5 км масофада ёнғинга қарши йўллар, 34 км янги ҳимоя тизимлари, 275 км узунликдаги минераллаштирилган полосалар қурилди, 1625 км узунликдаги ўрмон хўжалиги аҳамиятига эга ва ёнғинга қарши йўллар ҳамда 1467 км узунликдаги минераллаштирилган полосалар таъмирланиб, барча прогноз кўрсаткичлар тўлиқ бажарилди.

Ўрмон хўжаликларида маданий ҳолда етиштириладиган доривор ўсимликлар турларини кўпайтириш ҳисобига ўсимликлар маданий плантациялар майдонини кенгайтириш ҳамда доривор ўсимликларни тайёрлаш ва етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида ўрмон хўжаликлари томонидан 2352 гектар майдонда 37 турдаги доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантациялари ташкил этилди.

Фармацевтика корхоналари билан 3100 минг сўм миқдоридаги доривор ўсимликлар хомашёсини етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиб, 5195,2 тонна табиий ҳолда ўсувчи доривор ва озуқабоп ўсимликлар хомашёсини тайёрлаш учун квота ажратилди.

**Ахборот хизмати**

## Ўрмон хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида 2016 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Ҳисобот йилида Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва унинг тизимидаги ўрмон хўжаликлари томонидан соҳада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

2016 йил давомида 44 минг гектар *(прогнозга нисбатан 100 фоиз)*, шу жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида 17 минг гектар майдонда чўл ўсимликларидан янги ўрмонзорлар барпо этилиб, табиий тикланишига кўмак бериш тадбирлари олиб борилган. 395 гектар майдонда ниҳолхона ва кўчатхоналар ташкил этилган.

Республика бўйича 4400 тупдан ортиқ лола дарахти, 53000 тупдан кўпроқ крим қарағайи, 91000 донадан зиёд чилонжийда кўчатлари экилган.

Ўрмонзорлар барпо қилиш ва қайта тиклаш билан бир қаторда уларни кўриқлаш, муҳофаза қилиш, касаллик ва зараркунандалардан асраш мақсадида 25 минг гектар майдонда ўрмон касалликлари ва зараркунандаларига қарши, шундан режадаги 14,7 минг гектар майдонда биологик кураш ишлари олиб борилган.

2016 йил давомида 170 км масофада ёнғинга қарши йўллар, 36 км янги ҳимоя линиялари, 280 км минераллаштирилган полосалар қурилган, ўрмон хўжалиги аҳамиятига эга 1770 км узунликда ёнғинга қарши йўллар ва 1530 км минераллаштирилган полосалар таъмирланиб, барча кўрсаткичлар прогозга нисбатан тўлиқ бажарилган.

Ўрмон хўжаликларида маданий ҳолда етиштириладиган доривор ўсимликлар турларини кўпайтириш ҳисобига ўсимликлар маданий плантациялар майдонини кенгайтириш ҳамда доривор ўсимликларни тайёрлаш ва етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида 2352 гектар майдонда 45 турдаги доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантациялари ташкил этилган. Ҳисобот даврида 6755 тонна доривор ва озуқабоп ўсимликлар хомашёси тайёрланган.

Ўрмон фонди ерларидан қўшимча фойдаланиш тармоқларида 796,8 млн сўмлик *(ўтган йилга нисбатан 110,4%)* халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган ва аҳолига 85,7 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган. Касаначилик асосида 15 та қўшимча янги ишчи ўринлари ташкил этилган.

**Ахборот хизмати**

## Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар доирасида 2016 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги ПҚ-2458-сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 10 та лойиҳа бўйича 88,6 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган. Ҳукумат кафолати остида амалга оширилаётган мазкур лойиҳаларнинг жорий йил январь-март ойлари учун белгиланган маблағларни ўзлаштириш режаси 6,516 млн АҚШ долларини ташкил этиб, амалда 6,52 млн АҚШ доллари (100%) миқдорида иш бажарилди. Жумладан:

1. "Навоий вилоятидаги "Навоий" ва "Учқора" насос станцияларини реконструкция қилиш" лойиҳасининг умумий қиймати 38,26 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Франция Ҳукуматининг кредит маблағи 18,75 млн АҚШ долларини, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 19,51 млн АҚШ долларини ташкил этади. Жорий йилнинг январь-март ойларида 5,81 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100 фоизга бажарилди.
2. "Наманган вилоятидаги "Кукумбай" насос станциясини реконструкция қилиш" лойиҳасининг умумий қиймати 11,41 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредит маблағи 3,89 млн АҚШ долларини, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 7,53 млн АҚШ долларини ташкил этади. Жорий йилнинг январь-март ойлари учун маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.
3. "Навоий вилоятидаги "Кенимех-1" насос станциясини реконструкция қилиш" лойиҳасининг умумий қиймати 19,66 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредит маблағи 5,041 млн АҚШ долларини, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 14,62 млн АҚШ долларини ташкил этади. Жорий йилнинг январь-март ойлари учун маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.
4. "Хоразм вилоятидаги Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш" лойиҳасининг умумий қиймати 144,2 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Ислом Тараққиёт Банки кредит маблағи 90,37 млн АҚШ долларини, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 53,83 млн АҚШ долларини ташкил этади. Жорий йилнинг январь-март ойларида 0,286 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100 фоизга бажарилди.
5. "Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш" лойиҳасининг умумий қиймати 406,29 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Осиё Тараққиёт Банки кредит маблағи 216,75 млн АҚШ долларини, Японияниннг Жайка фондининг маблағи 108,97 млн АҚШ долларини, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 80,57 млн АҚШ долларини ташкил этади. Жорий йилнинг январь-март ойлари учун 0,24 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 0,24 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.
6. "Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш" лойиҳасининг умумий қиймати 376,714 млн АҚШ долларини ташкил этиб,

шундан 115,924 млн АҚШ долларини Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 260,79 млн АҚШ долларини Жаҳон банкининг қарз маблағлари ташкил этади. Жорий йилнинг январь-март ойларида 0,12 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100 фоизга бажарилди.

7. "Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларини каналлар ва коллекторларни тозалаш учун экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш" лойиҳасининг умумий қиймати 14,22 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 3,164 млн АҚШ долларини Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 11,058 млн АҚШ долларини Хитой ҳукумати қарз маблағлари ташкил этади. Жорий йилнинг январь-март ойлари учун маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

8. Ислом тараққиёт банки иштирокида "Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)" лойиҳасининг умумий қиймати 122,72 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 33,17 млн АҚШ долларини Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 89,55 млн.АҚШ долларини Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағлари ташкил этади. Жорий йилнинг январь-март ойлари учун 0,06 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100 фоизга бажарилди.

9. "Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-босқич" лойиҳасининг умумий қиймати 263,73 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 52,33 млн АҚШ долларини Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 211,4 млн АҚШ долларини Жаҳон банкининг қарз маблағлари ташкил этади. Жорий йилнинг январь-март ойлари учун маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

10. "Қашқадарё вилоятидаги "Дўстлик 1-2-3" насос станциясини қуриш" лойиҳасининг умумий қиймати 21,14 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 6,955 млн АҚШ долларини Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 14,185 млн АҚШ долларини Хитой халқ республикаси ҳукуматининг қарз маблағлари ташкил этади. Жорий йилнинг январь-март ойларида кредит маблағларини ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

**Ахборот хизмати**

Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар доирасида 2016 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар тўғрисида

маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги ПҚ-2458-сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 10 та лойиҳа бўйича 88,6 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган. Ҳукумат кафолати остида амалга оширилаётган мазкур лойиҳаларнинг жорий йил январь-июнь ойлари учун белгиланган маблағларни ўзлаштириш режаси 21,96 млн АҚШ долларини ташкил этиб, амалда 22,03 млн АҚШ доллари (100,31%) миқдорида иш бажарилган. Жумладан:

1. "Навоий вилоятидаги "Навоий" ва "Учқора" насос станцияларини реконструкция қилиш" лойиҳасининг умумий қиймати 38,26 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Франция Ҳукуматининг кредит маблағи 18,75 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 19,51 млн долларни ташкил этади. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 8,61 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100,5 фоизга бажарилган.

2. "Наманган вилоятидаги "Кукумбой" насос станциясини реконструкция қилиш" лойиҳасининг умумий қиймати 11,41 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредити 3,89 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 7,52 млн долларни ташкил этади. Жорий йилнинг январь-июнь ойлари учун маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

3. "Навоий вилоятидаги "Кенимех-1" насос станциясини реконструкция қилиш" лойиҳасининг умумий қиймати 19,66 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредити 5,041 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 14,62 млн долларини ташкил этади. Лойиҳада жорий йилнинг январь-июнь ойларида маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

4. "Хоразм вилоятидаги Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш" лойиҳасининг умумий қиймати 144,2 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, 90,37 млн доллари Ислом Тараққиёт Банки кредити, қолган қисми эса Ўзбекистон ҳукуматининг улушидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 1,892 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 1,9 млн АҚШ доллари (100,42%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилган.

5. "Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш" лойиҳасининг умумий қиймати 406,29 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Осиё Тараққиёт Банки кредити 216,75 млн долларни, Японияниниг JICA фондининг маблағи 108,97 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 80,57 млн долларни ташкил этади. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 1,28 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 1,3 млн доллар (101,56%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

6. “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳасининг умумий қиймати 376,714 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 115,924 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 260,79 млн доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 10,0 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич тўлиқ бажарилган.

7. “Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларини каналлар ва коллекторларни тозалаш учун экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш” лойиҳасининг умумий қиймати 14,22 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 3,16 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 11,06 млн доллари Хитой ҳукумати қарз маблағларидир. Лойиҳа доирасида жорий йилнинг январь-июнь ойларида маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

8. “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳасининг умумий қиймати 122,72 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 33,17 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағларидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 0,18 млн доллар миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич тўлиқ бажарилган.

9. “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-босқич” лойиҳасининг умумий қиймати 263,73 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 52,33 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 211,4 млн доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. Лойиҳа доирасида жорий йилнинг январь-июнь ойларида маблағларни ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

10. “Қашқадарё вилоятидаги “Дўстлик 1-2-3” насос станциясини қуриш” лойиҳасининг умумий қиймати 21,23 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 6,95 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг қарз маблағларидир. Лойиҳада жорий йилнинг январь-июнь ойларида маблағларни ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

11. “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II-босқич" лойиҳасининг умумий қиймати 131,65 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 103,42 млн доллари Жаҳон Банки қарзи, 11,98 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса бенифициарларнинг улушидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 6,42 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш ва ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткичлар тўлиқ бажарилган.

12. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳасининг умумий қиймати 219,28 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 150,0 млн доллари Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки улуши, 34,20 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса лойиҳа ташаббускорларининг улушидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 2,861 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб

этиш ва ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткичлар тўлиқ бажарилган.

13. "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш" лойиҳасининг умумий қиймати 28,33 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 20,44 млн доллари Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси улуши, 1,67 млн АҚШ доллари Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши, 5,24 млн доллари бенифициарлар улушидир.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 2,86 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш ва ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич тўлиқ бажарилган.

**Ахборот хизмати**

Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар доирасида 2016 йилнинг 9 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисида
маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги ПҚ-2458-сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 10 та лойиҳа бўйича 88,6 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган. Ҳукумат кафолати остида амалга оширилаётган мазкур лойиҳаларнинг жорий йил январь-июнь ойлари учун белгиланган маблағларни ўзлаштириш режаси 21,96 млн АҚШ долларини ташкил этиб, амалда 22,03 млн АҚШ доллари (100,31%) миқдорида иш бажарилган. Жумладан:

1. "Навоий вилоятидаги "Навоий" ва "Учқора" насос станцияларини реконструкция қилиш" лойиҳасининг умумий қиймати 38,26 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Франция Ҳукуматининг кредит маблағи 18,75 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 19,51 млн долларни ташкил этади. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 8,61 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100,5 фоизга бажарилган.

2. "Наманган вилоятидаги "Кукумбой" насос станциясини реконструкция қилиш" лойиҳасининг умумий қиймати 11,41 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредити 3,89 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 7,52 млн долларни ташкил этади. Жорий йилнинг январь-июнь ойлари учун маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

3. "Навоий вилоятидаги "Кенимех-1" насос станциясини реконструкция қилиш" лойиҳасининг умумий қиймати 19,66 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредити 5,041 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 14,62 млн долларини ташкил этади. Лойиҳада жорий йилнинг январь-июнь ойларида маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

4. "Хоразм вилоятидаги Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш" лойиҳасининг умумий қиймати 144,2 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, 90,37 млн доллари Ислом Тараққиёт Банки кредити, қолган қисми эса Ўзбекистон ҳукуматининг улушидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 1,892 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 1,9 млн АҚШ доллари (100,42%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилган.

5. "Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш" лойиҳасининг умумий қиймати 406,29 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Осиё Тараққиёт Банки кредити 216,75 млн долларни, Япониянинг JICA фондининг маблағи 108,97 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 80,57 млн долларни ташкил этади. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 1,28 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 1,3 млн доллар (101,56%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

6. “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳасининг умумий қиймати 376,714 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 115,924 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 260,79 млн доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 10,0 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич тўлик бажарилган.

7. “Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларини каналлар ва коллекторларни тозалаш учун экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш” лойиҳасининг умумий қиймати 14,22 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 3,16 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 11,06 млн доллари Хитой ҳукумати қарз маблағларидир. Лойиҳа доирасида жорий йилнинг январь-июнь ойларида маблағ ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

8. “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳасининг умумий қиймати 122,72 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 33,17 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағларидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 0,18 млн доллар миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич тўлиқ бажарилган.

9. “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-босқич” лойиҳасининг умумий қиймати 263,73 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 52,33 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 211,4 млн доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. Лойиҳа доирасида жорий йилнинг январь-июнь ойларида маблағларни ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

10. “Қашқадарё вилоятидаги “Дўстлик 1-2-3” насос станциясини қуриш” лойиҳасининг умумий қиймати 21,23 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 6,95 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг қарз маблағларидир. Лойиҳада жорий йилнинг январь-июнь ойларида маблағларни ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

11. “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II-босқич” лойиҳасининг умумий қиймати 131,65 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 103,42 млн доллари Жаҳон Банки қарзи, 11,98 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса бенифициарларнинг улушидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 6,42 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш ва ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткичлар тўлиқ бажарилган.

12. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳасининг умумий қиймати 219,28 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 150,0 млн доллари Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки улуши, 34,20 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса лойиҳа ташаббускорларининг улушидир. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 2,861 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб

этиш ва ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткичлар тўлиқ бажарилган.

13. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” лойиҳасининг умумий қиймати 28,33 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 20,44 млн доллари Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси улуши, 1,67 млн АҚШ доллари Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши, 5,24 млн доллари бенифициарлар улушидир.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 2,86 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш ва ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич тўлиқ бажарилган.

**Ахборот хизмати**

## Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар доирасида 2016 йил мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги ПҚ-2458-сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 13 та лойиҳа бўйича 128,27 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган. Ҳукумат кафолати остида амалга оширилаётган мазкур лойиҳалар бўйича 2016 йилда 150,04 млн АҚШ доллари (117%) миқдорида иш бажарилган. Жумладан:

1. "Навоий вилоятидаги "Навоий" ва "Учқора" насос станцияларини реконструкция қилиш" лойиҳасининг умумий қиймати 38,26 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Франция Ҳукуматининг кредит маблағи 18,75 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 19,51 млн долларни ташкил этади. 2016 йилда 8,9 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 101,8 фоизга бажарилди.

2. "Наманган вилоятидаги "Кукумбой" насос станциясини реконструкция қилиш"лойиҳасининг умумий қиймати 11,41 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредити 3,89 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 7,52 млн долларни ташкил этади. 2016 йилда 2,19 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100 фоизгабажарилди.

3. "Навоий вилоятидаги "Кенимех-1" насос станциясини реконструкция қилиш" лойиҳасининг умумий қиймати 19,66 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитой ҳукуматининг кредити 5,041 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 14,62 млн долларини ташкил этади. 2016 йилда 3,63 млн доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 100 фоизга бажарилди.

4. "Хоразм вилоятидаги Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш" лойиҳасининг умумий қиймати 144,2 млн АҚШ долларига тенгбўлиб, 90,37 млн доллари Ислом Тараққиёт Банки кредити, қолган қисми эса Ўзбекистон ҳукуматининг улушидир. 2016 йилда 4,8 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 4,85 млн АҚШ доллари (101%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

5. "Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш" лойиҳасининг умумий қиймати 406,29 млн АҚШ долларига тенгбўлиб, Осиё Тараққиёт Банки кредити 216,75 млн долларни, Япониянинг ЛСА фондининг маблағи 108,97 млн долларни, Ўзбекистон ҳукуматининг улуши эса 80,57 млн долларни ташкил этади. 2016 йилда 2,59 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 2,62 млн доллар (101,2%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

6. "Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш" лойиҳасининг умумий қиймати 376,714 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 115,924 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 260,79 млн доллари Жаҳон банкининг қарз маблағларидир. 2016 йилда 10,22 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 10,22 млн доллар (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

7. “Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларини каналлар ва коллекторларни тозалашучун экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш” лойиҳасинингумумий қиймати 14,22 млн АҚШ долларини ташкилэтиб, шундан 3,16 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва 11,06 млн доллари Хитой ҳукумати қарз маблағларидир. 2016 йилда 9,06млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 9,06 млн доллар (9,06%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

8. “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайтатиклаш)” лойиҳасининг умумий қиймати 122,72 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 33,17 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағларидир. 2016 йилда 0,28 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 0,28 млн доллар (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 июлдаги 3-сонли баёни топшириғига асосан лойиҳанинг нархи тупроқ ишлари ҳисобига (263,7 млн доллардан 213,6 млн долларгача) оптималлаштирилди ва 2 босқичга бўлиниб, 25 августда Вазирлар Маҳкамасида презентация қилинди. Ҳозирда лойиҳанинг ушбу оптималлаштирилган ТИАси Жаҳон банки томонидан кўриб чиқилмоқда ва Директорлар кенгаши тасдиғига 2017 йилнинг бошида киритилиши кутилмоқда.

10. “Қашқадарё вилоятидаги “Дўстлик 1-2-3” насос станциясини қуриш” лойиҳасининг умумий қиймати 21,23 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 14,2 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши ва қолган қисми Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг қарз маблағларидир. Лойиҳа бўйича 2016 йилда 2,32 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 2,32 млн доллар (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

11. “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II-босқич” лойиҳасининг умумий қиймати 131,65 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 103,42 млн доллари Жаҳон Банки қарзи, 11,98 млндоллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса бенифициарларнинг улушидир. 2016 йилда 10,1 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 10,1 млн доллари (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

12.“Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳасининг умумий қиймати 219,28 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 150,0 млн доллари Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки улуши, 34,20 млн доллари Ўзбекистон ҳукуматининг улуши, қолган қисми эса лойиҳа ташаббускорларининг улушидир. 2016 йилда 67,6 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 90,0 млн доллар (133,1%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

13. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” лойиҳасининг умумий қиймати 28,33 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 20,44 млн доллари Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси улуши, 1,67 млн АҚШ доллари Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши, 5,24 млн доллари бенифициарлар улушидир.

2016 йилда 5,71 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 5,71 млн доллар (100%) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

**Ахборот хизмати**

**Республикада чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича 2016 йилнинг 1-чораги давомида олиб борилган ишлар тўғрисида маълумот**

Мамлакатимизда фаолият юритаётган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари бош сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, сервис хизматлари тармоғини ташкил этишга доир чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши натижасида чорвачилик соҳасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик дастурлари ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, қорамолчилик йўналишида 600 дан ортиқ янги лойиҳа ташкил этилиб, уларда 20 минг бош қорамолларни парваришлай йўлга қўйилди. Ушбу янги лойиҳалар ҳисобига қўшимча 2070 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Паррандачилик йўналишида 319 та янги паррандачилик хўжалиги ташкил этилиб, уларда 4,5 млн бошдан ортиқ паррандаларни парвариш қилиш йўлга қўйилди ва 1302 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Балиқчилик тармоғида 475 та янги лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида 201,5 гектар табиий ва 1470 гектар сунъий кўлларда балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди ҳамда улар 2 млн донадан ортиқ балиқ чавақлари билан балиқлантирилди. Ушбу лойиҳалар ҳисобига 1250 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Асаларичиликда амалга оширилган 716 та лойиҳа ҳисобидан 47 мингта асалари оилалари ташкил этилди ва 992 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Қўйчилик йўналиши бўйича 61 та лойиҳа ташкил этилиб, 8 минг 205 бош қўй боқиш йўлга қўйилди, 127 та янги иш ўринлари яратилди.

Эчкичилик бўйича 12 та лойиҳа ташкил этилиб, улар ҳисобидан 21 та янги ишчи ўринлари яратилди.

2616 та зооветеринария пунктлари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва моллари касалликларининг олдини олиш ва бошқа турдаги зооветеринария хизматлари кўрсатиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,5 фоизга ошди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги чорва моллари наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида хорижий мамлакатлардан 1722 бош юқори маҳсулдор наслли қорамоллар олиб келинди ҳамда 406 минг бош сигир ва урғочи таналар сунъий уруғлантирилди.

Қорамолларни сунъий уруғлантириш мақсадида маҳаллий шароитда наслли буқаларнинг музлатилган уруғларини қадоқлаш ташкил этилиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида чорвачилик субъектларига 575 минг дозадан ортиқ наслли буқалар уруғи етказиб берилди.

Ҳисобот даврида 65 та қорамолчилик фермер хўжаликлари наслчилик тоифасига ўтказилди ҳамда ушбу тоифадаги хўжаликлар сони 532 тага

етказилиб, улар томонидан чорвачилик фермер хўжаликларига 2 минг бош наслли моллар тайёрланиб аукционларда сотиш ташкил этилди.

Чорва моллари озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 12,6 минг гектар майдонга баҳорги беда, 75 минг 886 гектарга маккажўхори ва 4 минг 161 гектар майдонга хашаки лавлаги экилди.

Юқорида таъкидланган тадбирларнинг бажарилиши натижасида республикамизда йирик шохли қорамоллар бош сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,1, сигирлар бош сони 102,1, қўй ва эчкилар бош сони 103,6 % ҳамда паррандалар бош сони 108,5 % ўсишига эришилди.

Пировардида мамлакатимизда гўшт ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,8, сут ишлаб чиқариш 106,0, тухум ишлаб чиқариш 109,2 фоизга ўсишга эришилди. Натижада аҳоли дастурхонига гўшт, сут, тухум ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмлари ошиши таъминланди.

**Ахборот хизмати**

**Чорвачиликни ривожлантириш борасида 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот**

Мамлакатимизда фаолият юритаётган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, сервис хизматлари тармоғини ташкил этишга доир чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши натижасида чорвачиликни ривожлантиришда ижобий силжишлар қайд этилмоқда.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 105,6, жумладан, сигирлар бош сони 102,7, қўй ва эчкилар 103,9 ҳамда паррандалар 107,9 фоизга ўсиши таъминланди. Ўсиш суръатлари гўшт ишлаб чиқаришда 106,8, сут ишлаб чиқаришда 107,1, тухум ишлаб чиқаришда 109,1 фоизни ташкил этди.

Республикамиздаги чорва моллари наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида чорвачилик фермер хўжаликлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида хорижий мамлакатлардан 3894 бош наслли қорамоллар олиб келинди.

Чорва молларини турли касалликлардан асраш, наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида 2616 та зооветеринария пунктлари томонидан 8559 млн сўмликдан ортиқ зооветеринария хизматлари кўрсатилди, 1969 минг дозадан ортиқ наслли буқалар уруғи етказиб берилди ва 1454 минг бош сигир ва урғочи таналар сунъий уруғлантирилди.

Республикада қорамолчилик йўналишида наслчилик тоифасидаги хўжаликлар сони 484 тага етди, улар томонидан 5 минг 839 бош наслли моллар тайёрланиб, чорвачилик фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотилдиди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган дастурлар ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан:

қорамолчилик йўналишида 1674 та лойиҳа амлага оширилиб, уларда 48 минг 395 бош қорамоллар боқиш йўлга қўйилди. Ушбу янги лойиҳалар ҳисобига 6 минг 890 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди;

паррандачилик йўналишида 617 та янги паррандачилик хўжаликлари ташкил этилиб, уларда 9 млн 20 минг бош паррандаларни парваришлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, паррандачилик хўжаликлари ва аҳолига 2 млн бошга яқин наслли жўжалар етказиб берилиб, 2850 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Аҳоли хонадонларида парранда боқишни йўлга қўйиш бўйича 33 минг 938 та лойиҳа амалга оширилди ва уларда 2 млн 205 минг бош паррандаларни парвариш қилиш йўлга қўйилди;

балиқчиликни ривожлантириш бўйича 804 та янги лойиҳа ташкил этилди, унинг натижасида 1 минг 688 гектар табиий ва 2 минг 546 гектар сунъий ҳавзаларда балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди ва улар ҳисобига 2 минг 760 тадан зиёд янги иш ўринлари яратилди;

асаларичилик йўналишида амалга оширилган 1268 та лойиҳа доирасида 71 минг 725 та асалари оилалари боқиш ташкил этилди. Натижада 1770 та янги иш ўринлари яратилди;

қўйчилик йўналишида 199 та янги лойиҳа амалга оширилиб, 28 минг 42 бош қўй боқиш йўлга қўйилди. Ташкил этилган янги лойиҳалар 430 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имконини берди;

эчкичилик соҳасида 27 та лойиҳани амалга ошириш таъминланди ҳамда 56 та янги иш ўринлари яратилди.

**Ахборот хизмати**

**Чорвачиликни ривожлантириш борасида 2016 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот**

Мамлакатимизда фаолият юритаётган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари бош сонини кўпайтириш, сервис хизматлари тармоғини ташкил этишга доир чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши натижасида чорвачилик соҳасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан:

**қорамолчилик** йўналишида 2117 та янги лойиҳа амалга оширилиб, уларда 60 минг бошдан ортиқ қорамоллар парвариш қилиш йўлга қўйилди.

Қорамолчиликни ривожлантиришда наслчилик ишларини юритишга алоҳида эътибор қаратилди. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларининг чорва молларига зооветеринария пунктлари орқали 10,6 млрд сўмдан ортиқ зооветеринария хизматлари кўрсатилди ва қорамолларнинг наслини яхшилаш учун 2 миллион бошдан ошиқ сигирлар юқори маҳсулдор насилли қорамол зотларининг уруғлари билан сунъий уруғлантирилди.

Наслчилик хўжаликларида тайёрланган 7 минг 121 бош наслли қорамоллар аукцион савдолари орқали аҳоли ва деҳқон хўжаликларига сотилди;

**паррандачилик** йўналишида 662 та янги паррандачилик хўжаликлари ташкил этилиб, уларда 10 млн бошдан зиёд паррандаларни парвариш қилиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, аҳоли хонадонларида парранда боқишни йўлга қўйиш бўйича 45 минг 364 та янги лойиҳа амалга оширилиб, уларга 3 млн 86 минг бош парранда етказиб берилди. Янги ташкил этилган лойиҳаларда 224 млн донадан ортиқ тухум ва 3 минг 898 тонна парранда гўшти етиштирилди;

**балиқчиликни** ривожлантириш бўйича 823 та янги лойиҳа амалга оширилиб, 2858 гектар табиий ва 2755 гектар сунъий кўлларда балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди;

**асаларичилик** бўйича амалга оширилган 1268 та янги лойиҳа доирасида 71 минг 725 та асалари оилалари боқиш йўлга қўйилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра, қорамоллар умумий сони 11,6 миллион бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,4 фоиз) етди, 1,6 миллион тонна гўшт (106,6 фоиз), 6,9 миллион тонна сут (106,9 фоиз), 4,5 миллиард донадан ортиқ тухум (110,8 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

Пировардида аҳоли дастурхонига гўшт, сут, тухум ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмлари ошиши таъминланди.

**Ахборот хизмати**

**Чорвачиликни ривожлантириш борасида 2016 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот**

Мамлакатимизда фаолият юритаётган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, сервис хизматлари тармоғини ташкил этишга доир чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши натижасида чорвачиликни ривожлантиришда ижобий силжишлар қайд этилмоқда.

Республикамиздаги чорва моллари наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида чорвачилик фермер хўжаликлари томонидан 2016 йил мобайнида хорижий мамлакатлардан 8737 бош наслли қорамоллар олиб келинди.

Чорва молларини турли касалликлардан асраш, наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида 2616 та зооветеринария пунктлари томонидан зооветеринария хизматлари ва 2465 минг бош сигир ва урғочи таналар сунъий уруғлантирилди.

Республикада қорамолчилик йўналишида наслчилик тоифасидаги хўжаликлар сони **610** тага етди, улар томонидан **7 минг 677 бош** наслли моллар тайёрланиб, аҳоли ва чорвачилик фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган дастурлар ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан:

**қорамолчилик** йўналишида 2346 та лойиҳа амалга оширилиб, уларда 66 минг бош қорамоллар боқиш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳалар ҳисобига 9 минг 285 та янги иш ўринлари яратилди;

**паррандачилик** йўналишида 706 та янги паррандачилик хўжаликлари ташкил этилб, уларда 11 млн 574 минг бош паррандаларни парваришлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, аҳоли хонадонларида парранда боқишни йўлга қўйиш бўйича 45 минг 698 та лойиҳа амалга оширилди ва уларда 3 млн 109 минг бош паррандаларни парвариш қилиш йўлга қўйилди;

**балиқчиликни** ривожлантириш бўйича 867 та янги лойиҳа амалга оширилиши натижасида 2 минг 915 гектар табиий ва 2 минг 963 гектар сунъий ҳавзаларда балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди ва улар ҳисобига 2 минг 938 тадан зиёд янги иш ўринлари яратилди;

**асаларичилик** йўналишида амалга оширилган 1269 та лойиҳа доирасида 73 минг 190 та асалари оилалари боқиш ташкил этилди. Натижада 1826 та янги иш ўринлари яратилди;

**қўйчилик** йўналишида 353 та янги лойиҳа амалга оширилиб, 56,8 минг бош қўй боқиш йўлга қўйилди. Ташкил этилган янги лойиҳалар 903 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имконини берди;

**эчкичилик** соҳасида 100 та лойиҳани амалга ошириш натижасида 12 минг 703 бош эчкиларни парваришлаш таъминланди ҳамда 168 та янги иш ўринлари яратилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони ўтган йилга нисбатан 104,5 фоизга, шу жумладан сигирлар бош сони 101 фоизга, қўй ва эчкилар 103,4 ҳамда паррандалар 107,7 фоизга ўсиши таъминланди. Ўсиш суръатлари гўшт ишлаб чиқаришда 106,8 фоизга, сут ишлаб чиқаришда 107,1 фоизга тухум ишлаб чиқариш 109,1 фоизни ташкил этди.

**Ахборот хизмати**